

## ЁШЛАРДА ЁТ ҒОЯЛАРГА ҚАРШИ МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЗАРУРАТИ

**Маджидов Азим Каххарович,**

*Термиз давлат педагогика институти ўқитувчиси*

## НЕОБХОДИМОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ ИДЕОЛОГИЧЕСКОГО ИММУНИТЕТА У МОЛОДЕЖИ ПРОТИВ ЧУЖЫХ ИДЕЙ

**Маджидов Азим Каххарович,**

*Преподаватель Термезского государственного  
педагогического института*

## THE NECESSITY OF DEVELOPING IDEOLOGICAL IMMUNITY AMONG YOUTH AGAINST ALIEN IDEAS

**Madjidov Azim Khakhkharovich,**

*Lecturer at Termez State Pedagogical Institute*



E-mail:

[azim.majidov@mail.ru](mailto:azim.majidov@mail.ru)

<https://orcid.org/0009-0008-3711-4518>

**Аннотация:** Мазкур мақолада термизий алломаларнинг фикрлари, уларнинг маънавий-тарбиявий таъсири, ёшлар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириши бўйича педагогик жиҳатлар таҳлил қилинади. Шунингдек, мақолада мафкуравий иммунитет орқали инсоннинг руҳий, ахлоқий ва маънавий жиҳатлари қандай ривожланиши ҳам ёритилган бўлиб, бунда устозларнинг ўрни муҳим эканлиги таъкидланган. Мақола доирасида олиб борилган тадқиқот натижалари мафкуравий иммунитет тушунчасини кенгроқ идрок этиши, уни шакллантириши мезонларини англаш ҳамда мактабда, маҳаллада ва оилада таълим-тарбия бериш асносида нималарга эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади.

**Калит сўзлар:** мафкуравий иммунитет, илмий-маънавий мерос, термизий алломалар, идрок этиши, жаҳолат ва маърифат, нафс, илм, таълим-тарбия, зулмат, “Сунани Термизий”, жамият ва мафкура.

**Аннотация:** В данной статье анализируются взгляды термезских учёных, их духовно-воспитательное влияние, а также педагогические аспекты формирования идеологического иммунитета у молодёжи. Кроме того, в статье раскрывается, каким образом через идеологический иммунитет развиваются духовные, нравственные и моральные качества человека, при этом подчёркивается важная роль учителей. Результаты проведённого в рамках статьи исследования показывают необходимость более глубокого понимания понятия «идеологический иммунитет», осмысления критериев его формирования, а также указывают на то, на что следует обратить внимание в процессе воспитания и обучения в школе, махалле и семье.

**Ключевые слова:** Идеологический иммунитет, научно-духовное наследие, термезские учёные, осознание, невежество и просвещение, эго (нафс), знание, образование и воспитание, мрак, «Сунан Тирмизи», общество и идеология.

**Annotation:** This article analyzes the views of Termez scholars, their spiritual and educational influence and the pedagogical aspects of developing ideological immunity among young people. Furthermore, the article highlights how a person's spiritual, moral and ethical qualities develop through ideological immunity, emphasizing the important role of teachers in this process. The results of the research conducted within the scope of the article demonstrate the need for a deeper understanding of the concept of

*“ideological immunity”, comprehension of the criteria for its formation and attention to the key factors to be considered during education and upbringing in schools, neighborhoods and families.*

**Key words:** *Ideological immunity, scientific and spiritual heritage, Termez scholars, comprehension, ignorance and enlightenment, ego (nafs), knowledge, education and upbringing, darkness, “Sunan Tirmidhi”, society and ideology.*

## **КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION).**

Бугунги кунда глобал ахборот ҳамда интернет майдони орқали ёшлар онгига турли ёт мафкуралар, экстремистик ва радикал ғоялар кириб келиши хавфи кучаймоқда. Шу муносабат билан ёшларимизда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш муҳим вазифага айланди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда бу борада тегишли чоралар кўрилишини таъказо қилди.

Ўтган давр мобайнида ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш учун бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Шулар қаторида Ўзбекистонда маънавият ҳамда илм-тарбия соҳасида аждодларимиз, хусусан, ҳадис илми, фикҳ, тилшунослик, тасаввуф йўналишларида ижод қилган термизий алломалар илмий мероси бугунги кун учун ҳам ички ва ташқи хавфларга қарши ҳимоя манбаи сифатида кўрилмоқда. Бунда, албатта, давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев ташаббуслари билан ташкил этилган Имом Термизий, Имом Бухорий, Имом Мотуридий халқаро ва Баҳоуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот марказлари, Ислом цивилизацияси маркази фаолиятлари муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чоратadbирлари тўғрисида” 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2774-сон қарорида “турли мафкуравий хуружлар авж олаётган бугунги кунда аждодларимизнинг маънавий меросини чуқур ўрганиш, улардаги эзгу ғоя ва таълимотларни кенг халқ оммасига етказиш ва шу асосда ёшларда соғлом дунёқарашни кучайтириш, уларни азалий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш” [1] Марказнинг асосий вазифаларидан бири сифатида таъкидланган.

**АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОД / MATERIALS AND METHODS).** “Мафкуравий иммунитет” тушунчаси педагогика ва маънавият

соҳасида ёшларнинг турли ғоявий ҳужумлардан ҳимояланиши, танқидий тафаккурга эга бўлиши ҳамда миллий-маънавий қадриятларга содиқ қолиши маъносида қўлланади.

“Термизий алломалар” атамаси билан Сурхондарё вилоятининг ҳозирги Термиз шаҳрида ёки шаҳарнинг атрофида, шунингдек, вилоят ҳудудида етишган ва “Термизий” таҳаллуси билан танилган ёхуд ушбу ҳудудда яшаб ўтган ҳадис, фикҳ, тасаввуф, тилшунослик соҳаларида ижод қилган олимларни тушуниш мумкин [2].

Улар қолдирган илмий мерос нафақат илмий жиҳатдан, балки маънавий, ахлоқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳам бойлиги билан ўзига хос хусусият касб этади. “... кўҳна тарих китобининг қай бир саҳифасини варақламанг бу кутлуг заминдан етишиб чиққан ўнлаб, юзлаб олиму уламолар, фозилу фузалоларнинг ат-термизий нисбаси билан аталган табаррук номларини учратишимиз” [3] шубҳасиз. Қолаверса, тадқиқотлар натижасида бугунги кунда “бу диёрдан Термизий таҳаллуси билан ижод қилган 200 дан ортиқ аллома” номи маълум. Шулардан машҳур аллома Абу Исо Термизий (824-892) ҳадис илмидаги муҳим асарлардан бири “Сунани Термизий” асари билан мусулмон оламида танилган.

**МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION).** Шу ўринда айрим термизий алломаларнинг жаҳолат ва маърифат ўртасидаги “кураши”га доир фикрлари бўйича тўхталсак. Жумладан, Ҳаким Термизий “Жаҳолат нафс хусусияти бўлиб, у зулматдир” – деганлар. Яъни алломанинг мазкур фикрларидан инсон ўз нафсини идора қилмаса, нафс истакларини ўз ҳолига қўйиб қўйса, у, албатта, жаҳолатга етакловчи омил эканлигини, жаҳолат эса зулматга олиб боровчи восита ҳисобланишини талқин этиш мумкин [4].

Айнан бугунги кунда ёшларни турли ёт ғоялардан ҳимоя қилишда мафкуравий иммунитетга алоҳида урғу берилар экан, бунда таълим ва тарбия муҳим аҳамият касб этади.

Инсоннинг илм орқали Борлиқ ҳақиқатини англаши – бу маърифатга қўйилган илк кадам. Ёшларнинг ўз даврида ҳам, бугунги кунда ҳам аҳамиятли илмий-маънавий мерос қолдирган улуғ алломалар ҳаёти ва уларнинг асарларини ўрганиши уларда маънавий бойликнинг ортишига хизмат қилади. Бу борада Абу Исо Термизий – Имом Термизий “Маърифат инсоннинг асосий бойлигидир!” – дея ўғит бериб кетгани бежиз эмас.

Табиийки, маърифатга етакловчи илм устоз томонидан берилади. Шу боис бугун ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда устозларга ҳам катта масъулият юкланади. Буюк термизий алломаларимиздан бири Бурҳониддин Термизий устоз шахсиятига улуғ таъриф бериб, ёшлар – шогирдларни унга итоат этишга чақиради. Жумладан, аллома “Муаллим ойна каби, сен унга эргаш, унга ўзингни ҳадя эт ва у ҳам сенга ўша қадар илтифот кўрсатади” [3]. Бурҳониддин Термизийнинг юқоридаги фикрлари бугунги кун учун ҳам ўта долзарб бўлиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилган масалалардан бири ҳисобланади. Маълумки, мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида изчил ислохотлар олиб борилмоқда. Мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг долзарблиги хусусида Бурҳониддин Термизийнинг “Агар сиз ҳеч нарсани билмасангиз ҳам ўзингизни яхши билсангиз, у вақтда сиз олим ва орифсиз” – деган фикрлари ҳар бир инсонни, ҳар бир тадқиқотчини чуқур тафаккур қилишга ундаши шубҳасиз. Чунки инсон ўзини англаш билан у ўзлигини англайди, Борлиқни идрок этади, халқ тили билан айтганда, “оқ билан қорани ажрата олади”. Айнан мафкуравий иммунитетни шакллантиришда ўз ва ўзликни англаш бирламчи аҳамият касб этади [2].

**НАТИЖАЛАР (РЕЗУЛЬТАТЫ / RESULTS).** Термизий алломаларнинг мероси таҳлил қилинганда, қуйидаги жиҳатлар ажралиб чиқишини кузатимиз мумкин:

**Илм-тарбия йўналишида:** алломалар ҳадис, фикҳ, тилшунослик, тасаввуф каби соҳаларда етук билим ва асарлар яратган.

Уларнинг мазкур асарлари шахс камолотида, хусусан, ёшларни турли ёт ғоялардан

ҳимоя қилишда, ислом динининг соф ғояларини тўғри талқин этишда яқиндан кўмак бериши билан характерлидир;

**Маънавий-ахлоқий йўналишда:** алломаларнинг ибратли ҳаёти ва эзгу ғоялари ёшлар тарбиясида муҳим манба бўлиши мумкин. Уларнинг бой маънавий меросидаги инсонпарварлик, маърифатпарварлик, халқпарварлик ва ватанпарварлик ғоялари миллий ва диний қадриятларни чуқур англашда, Борлиқни идрок этишда асосий восита бўлиб хизмат қилади;

**Жамият ва мафкура жиҳатидан:** маънавий мерос ёшлар ва жамиятни ноҳўя таъсирлардан ҳимоя қилишда восита бўлиши мумкин. Хусусан, даврнинг турли фитна ва ихтилофларига барҳам беришда, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишда, экстремизм, сепаратизм ва мутаассиблик ғоялари таъсирига тушиб қолишнинг олдини олишда, шунингдек, шахсни соғлом ҳаётга қайтаришда алломалар илмий меросини ўрганиш самарали натижа бериши шубҳасиз.

**ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION).** Юқоридагилардан англаш мумкинки, термизий алломаларнинг мероси фақат тарихий ҳодиса эмас, балки бугунги кун учун ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган “мафкуравий иммунитет”-ни шакллантириш манбаси сифатида кўрилиши мумкин.

#### **Адабиётлар рўйхати (Использованная литература / References)**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.02.2017 йилдаги ПҚ-2774-сонли “Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Термизий, Абу Абдуллоҳ муҳаммад ибн Али Ҳаким. Муҳаммад Ҳаким Термизий рисоалари: Ҳаким Термизий ишининг бошланиши (Будувву шаън Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ҳаким Термизий). “Movarounnahr” нашриёти. Тошкент – 2008. – 151 б.
3. Уватов У. Икки буюк донишманд (Абу Исо ат-Термизий, Ал-Ҳаким ат-Термизий). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 112 б.
4. Уватов У. Имом термизий. – Тошкент: “Shamsiddinxon Boboxonov”, 2021. – 104 б.